

ТАЪЛИМ СОҶАСИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИ ҚўЛЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Шахобиддинова Малоҳат Зайнилобиддин қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss3/i28

Аннотация

Илмий мақолада ривожланган хориж мамлакатларида таълим тизими амалиётида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, умумий ўрта таълимда амал қиладиган микромайдонлар бир-биридан мазмун ва моҳият жиҳатидан фарқ қилиш ҳолатлари таҳлил қилинган. Хориж мамлакатларида таълим тизимининг учинчи босқичида ҳар бир ўқув юрти ўзининг хусусий – демократик тамойиллари асосида иш юритиш жиҳатлари ўрганилган ва хорижий тажрибалар асосида мамлакатимизда жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: таълим тизими, ўрта таълим тизими, олий таълим тизими, сифат менежменти, таълимни бошқариш, халқаро ҳамкорлик, тизимли ёндашув, бошқарув қарорлари, бошқарув усуллари, ахборот шакллари, ижтимоий функциялар.

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В ПРИМЕНЕНИИ МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Шахобиддинова Малоҳат Зайнилобиддин қизи

Научный сотрудник Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация

В научной статье анализируются научные исследования, проводимые в практике системы образования развитых зарубежных стран, случаи различий в содержании и сути между микромайданами, которые действуют в системе общего среднего образования. На третьем этапе развития системы образования в зарубежных странах каждое учебное заведение изучило аспекты ведения бизнеса на основе своих частнодемократических принципов, и на основе зарубежного опыта были разработаны предложения по его внедрению в нашей стране.

Ключевые слова: система образования, система среднего образования, Система высшего образования, Управление качеством, Управление образованием, международное сотрудничество, системный подход, управленческие решения, методы управления, информационные формы, социальные функции.

EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE APPLICATION OF QUALITY MANAGEMENT IN THE FIELD OF EDUCATION

Shakhobiddinova Malohat Zaynilobiddin kizi

Researcher at Tashkent State University of Economics

Abstract

the scientific article analyzes the scientific research carried out in the practice of the educational system in developed foreign countries, the cases of differences in content and essence between micromaydons, which are valid in general secondary education. At the third stage of the educational system in foreign countries, each educational institution has studied aspects of conducting business on the basis of its private – democratic principles, and proposals for its introduction in our country have been developed on the basis of foreign experiences.

Keywords: education system, secondary education system, Higher Education System, Quality Management, Education Management, International Cooperation, systematic approach, management decisions, management methods, information forms, social functions.

Кириш

Мамлакатимиз олдида турган навбатдаги стратегик вазифа – ижтимоий-иқтисодий ҳаётни янада модернизация қилиш ва илғор халқаро тажрибага мослаштириш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборат. Модернизация, энг аввало, илғор технологиялар ва бошқарув усулларини, илм-фан ютуқларига асосланган инновацияларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига муваффақиятли татбиқ этиш билан боғлиқ.

Бунинг учун устувор вазифа мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини жадаллаштириш, шунингдек, мамлакатимизда инсон капитални ривожлантириш, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллашни таъминлашдан иборат. Инсон капитални ривожлантириш иқтисодиётнинг жаҳон тизимига муваффақиятли интеграциялашуви ва мамлакатнинг халқаро рақобатдан самаралироқ фойдаланишининг муҳим шартларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш концепциясига мувофиқ, шахсни ҳар томонлама билим ва кўникмалар билан таъминлаш учун таълим тизимининг институционал асослари, инфратузилмаси ва инсон ресурслари ишлаб чиқилиши керак. Мамлакатда таълимнинг ривожланиши аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, шунингдек, шахс ҳаётининг юксак даражасини барпо этиш учун замин яратади. Таълим одамларга технологияни тез ўзлаштириш, меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаш ва узлуксиз таълим жараёнига қўшилиш, соғлом турмуш тарзини танлаш, атроф-муҳитга тўғри муносабатда бўлиш имконини беради

Ўзбекистон Республикасида таълим юксак умумий ва касбий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка эга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил йўлга чиқиш қобилиятига эга, истиқболдаги вазифаларни қўйиш ва ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида таълим – халқ маданий қадриятларининг қудратли двигатели, келажак авлод маънавияти манбаи бўлиб хизмат қилувчи давлат сиёсати даражасига кўтарилган энг муҳим вазифадир.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимни ислоҳ қилиш омили сифатида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республикамизнинг жаҳондаги мавқеи, обрўси ва эҳтиборнинг кучайиб бораётганлигини кўрсатишимиз мумкин.

Бугунги кунда жаҳондаги ҳалқлар ва миллатларнинг интеграциялашуви амалга ошмоқда. Бу борада таълим соҳасини ислоҳ қилишда жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ўтган қирқ йилдан ортиқ вақтда жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда ўрта мактабларда таълимни бошқариш сифатини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Биз ўз тадқиқот ишимизда Республикамиз ўрта таълим тизимида сифатни бошқаришни тадқиқ этишда, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишни, ҳамда илғор тажрибаларга таянишни жоиз, деб билдик. Айниқса, ривожланган Ғарб мамлакатлари ва АҚШ ҳамда Японияда бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўрта таълим тизимида сифат менежментини тадқиқ этиш, хориж тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали ўзимизнинг таълим тизимимизга синга оладиган, уйғунлашадиган, қўллаш мумкин бўлган алоҳида жиҳатларини ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

1. Тадқиқотлар кўрсатишича, чет элларда бошланғич таълим жараёни 6-12 ёшли болаларни қамраб олади.

2. Ривожланган Ғарб мамлакатларида бошланғич таълимнинг мазмуни кўпроқ ижтимоий турмушга яқин, яъни шахсни жамият ҳаётига мослаштиришга қаратилганлиги билан тавсифланади.

3. Бошланғич таълим жараёнида кўпроқ умуммаданий кўникмаларни ҳосил қилиш билан чекланилади. Бу эса, болаларни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Бу даврда ўқувчи болаларнинг тафаккурини ўстиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ривожланган хориж мамлакатларида таълим тизими амалиётга йўналтирилганлиги ва умумий ўрта таълимда амал қиладиган микромайдонлар бир-биридан мазмун ва моҳият жиҳатидан фарқ қилиши билан ажралиб туради. Хориж мамлакатларида таълим тизимининг учинчи босқичида ҳар бир ўқув юрти ўзининг хусусий – демократик тамойиллари асосида иш юритади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда кўплаб ривожланган давлатлар таълим сифати ва самарадорлиги муаммоларига катта эътибор қаратмоқда, қиёсий тадқиқотлар учун таълим сифатини мониторинг қилиш методологияси ва технологиялари ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, таълим сифати бўйича халқаро мониторинг тадқиқотлари амалга оширилмоқда.

“Бундай тадқиқотлар математика ва табиий фанлар бўйича TIMSS (Учинчи халқаро математика фанлари тадқиқоти) сифатини баҳолаш, 15 ёшли болаларнинг ҳаётга тайёрлиги нуқтаи назаридан таълим ютуқларини PISA (Programme for International Student Assessment) ва бошқаларни баҳолашга қаратилган” [1]. Бинобарин, ҳозирги вақтда халқ таълими ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини баҳолаш ва истиқболларини таҳлил қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бу хорижлик тадқиқотлар ва ҳамкорлар тажрибасини қиёсий таҳлил қилишни талаб қилади, бу эса дунёнинг турли мамлакатларида таълим натижаларини баҳолаш тизимларини ривожлантириш тенденцияларини аниқлаш имконини беради. Таълим сифатини баҳолаш технологияларини ишлаб чиқиш ушбу соҳада янги тадқиқотларни жорий этиш ва амалга ошириш имконини беради [2].

Т.М.Резар, Т.Ю. Ольшевскаянинг фикрлариган кўра «Ҳозирги иқтисодий вазиятда “сифат” тушунчаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, таълим сифатини ошириш ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади» [3].

Шунингдек, таълим сифати ҳақида гапирганда, бу тушунча жуда мураккаб ва кўп қиррали ҳодисани билдиришини таъкидлаш керак.

Таълим фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар учун сифат кўрсаткичлари имтиҳон натижалари ва рейтинг жадваллари ҳисобланади. Бошқа томондан, муваффақиятли таълим муассасасини трансформацион етакчиликсиз тасаввур қилиб бўлмайди, яъни раҳбар хатти-ҳаракатининг қуйидаги тўрт ўлчовига, хусусан харизм (идеаллаштирилган таъсир); бўйсунувчиларни интеллектуал рағбатлантириш; эришиш мумкин бўлган энг юқори натижаларни мотивлаш; бўйсунувчилар билан муносабатларни индивидуаллаштиришга кўра талқин қилиниши керак [4].

“Таълим миллат тараққиёти ва келажаги учун энг ишончли сармоя ҳисобланади. Бошқа капитал турлари сингари инсон капитали ҳам инвестиция қилиш орқали шаклланади ва ушбу инвестиция — таълим деб аталади. Мактабда берилган таълим ва унинг сифати кейинги таълим босқичлари учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Мактабдаги таълим сифати келажак пойдеворининг мустаҳкамлигини таъминлайди” [5].

Н.А.Муслимов ва бошқаларнинг фикрларига кўра, “Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда” [6].

Россиялик олим В.С. Кукушиннинг фикрига кўра “Анъанага кўра, таълим деганда шахснинг жамиятнинг ижтимоий ва маданий ҳаётига тўлиқ қўшилиши ва муайян касбий функцияларни бажариши учун зарур бўлган маълум билим, кўникма ва фикрлаш усуллари тизимини ўзлаштириш жараёни ва натижаси тушунилади. Шу маънода, таълим ижтимоий ишлаб чиқариш билан бир хил ҳаётни таъминловчи тизимдир, деган фикр ҳақиқатдир” [7].

В.В.Краевскийнинг фикрича, “Ижтимоий функциялар нуқтаи назаридан, таълим ижтимоий ирсият, ижтимоий тажрибани кейинги авлодларга ўтказиш воситасидир. Таълим ижтимоий ҳодиса сифатида жамият ҳақидаги фан - социологиянинг ўрганиш объектига айланади. Ўқитиладиган ва тарбияланган шахсга нисбатан таълим унинг шахсиятини ривожлантириш воситаси бўлиб, унинг психологик тузилишини, албатта, психология ўрганади” [8].

“Таълим тизими - бу жамият томонидан мақсадли ишлаб чиқилган ижтимоий институт бўлиб, у муайян жамиятга, унинг ижтимоийлашган шахсга бўлган эҳтиёжлари ва талабларига мос келадиган уюшган алоқалар ва ижтимоий нормалар тизими билан тавсифланади” [9].

“Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотлар таълим тизимини бошқариш механизмларини ўзгартириш, такомиллаштиришни, яъни бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик методларидан воз кечиб, ижтимоий – иқтисодий, замонавий талабларга мос келадиган, демократик тамойилларга асосланган бошқарув тизимини тақозо этмоқда” [10].

А.Н.Лобанов ва бошқаларнинг фикрига кўра, «Узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантириш давлатнинг бирламчи стратегик вазифаси, уни миллий миқёсда ва ҳар томонлама ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этишни таъминлашга қодир институтдир. Узлуксиз таълим бевосита давлат бошқаруви самарадорлигига, фуқаролик жамияти ривожланишига ва унинг ўзини ўзи

ташкил этиш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш қобилиятига, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш даражасига боғлиқ».[11]

Шуни таъкидлашимиз керакки, болани ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёнининг мазмуни унда индивидуалликни ортишини таъминлайди. Илм ва саноати ривожланган хориж мамлакатларида ҳам, худди бизнинг республикамиздаги сингари, давлат томонидан таълимни ислоҳ қилиш, ўрта таълимни ривожлантириш ва унинг сифатини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилади. Шу билан бирга, давлат таълим стандартлари асосида дастурлар ва дарсликлар, болалар ҳамда ҳудудларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, муқобил ва табақалаштирилган ўқув воситалари яратилади.

Таълим жараёнининг сифатини таъминлашда ўқитувчининг ўрни катта бўлиб, бу борада ривожланган хориж мамлакатларида катта эътибор қаратилади. Хориж мамлакатларида ўқитувчиларга катта эркинликлар берилган, улар ўз устиларида тинмай ишлайдилар, изланадилар, ташаббус кўрсатадилар. Ўқитувчи ўқитиш-билиш жараёнида самарага эришиш учун бутун кучини сафарбар қилади, ҳаракат қилади ва буни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Тадқиқот методологияси

Мақолада таълим жараёнининг сифатини таъминлашда олиб борилган ислохотларни қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

АҚШда саводлилик даражаси – 99%. 1862 йилда Морилла Қонуни қабул қилиниши билан таълим тизимига беғараз давлат кўмагини кўрсатиш бошланди. Мажбурий таълимнинг давомийлиги ва ёши штатларга қараб фарқланади. Болалар таълим олишни 5 ёшдан 8 ёшгача бўлган ёшда бошлайдилар ва бу 18 ёшдан 19 ёшгача давом этади. 5 ёшда америкалик боллар бошланғич мактабга (инг. elementary school), нолинчи синфга борадилар. Ушбу синф айрим штатларда мажбурий ҳисобланмайди. Бошланғич мактаб 5 ёки 6 синфгача давом этади (мактаб округига қараб), ундан сўнг ўқувчи ўрта мактабга (инг. middle school) боради, у 8 синфда яқунланади.

Олий (юқори) мактаб (инг. high school) – 9 синфдан 12 синфгача давом этади. Ўрта таълимга эга шахслар таълими икки йўсинда давом этиши мумкин:

1) жамоат коллежларига (community college, улар шунингдек, бошланғич коллеж (junior college) ҳам деб номланади), техник коллежларга (technical college) ёки шаҳар коллежларига (city college) киришлари мумкин бўлиб, икки йиллик таълимдан сўнг Ўзбекистондаги ўрта-махсус таълим даражасига тенг даража (associate's degree) беради;

2) таълимни давом эттиришнинг бошқа имконияти коллеж ёки университетларга қабул қилиниш бўлиб, у ерда тўрт йиллик таълим олиниб, бакалавр даражасига эга бўлинади. Бакалавр даражасини олган шахс магистр (2-3 йил) ёки фалсафа доктори (3 йил ва ундан зиёд) даражасини олишда давом этиши мумкин. Алоҳида аккредитациядан ўтган ОТМ ва факультетлар тиббиёт доктори ва ҳуқуқ доктори даражасини берадилар, улар учун махсус таёргарлик талаб қилинади.

Францияда таълим 6 ёшдан 16 ёшгача мажбурий ҳисобланади. Таълим бир нечта бўғинлардан иборат: бошланғич таълим (фр. enseignement primaire) – болалар

боғчасида (фр. L'école maternelle) 3 – 4 йил бошланғич мактабда (фр. L'école élémentaire) 5 йил; ўрта таълим (фр. enseignement secondaire) – коллежда (фр. Le collège) 4 йил ва лицейда (фр. Le lycée) 3 йил; олий таълим (фр. enseignement supérieur) – ўрта таълимни тугатганлик тўғрисидаги бакалавр дипломини (фр. Baccalauréat) олгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Японияда таълим тизими қуйидаги босқичлардан иборат: ихтиёрий босқич – болалар боғчаси; мактаб таълими – у ўз навбатида кичик (1-6 синфлар), ўрта (7-9-синфлар) ва юқори (10-12-синфлар) мактабга бўлинади, бунда ўрта мактабдан сўнг турли хил ихтисослашган мактаб ва технологик коллежларга ўтиш мумкин; олий таълим (13-18-босқичлар) – у университет ва ноуниверситет секторига бўлинади.

Японияда олий таълим тизими ўз ичига таълим муассасаларининг қуйидаги тўрт турини қамраб олади: тўлиқ циклдаги (4йил) ва тезлашган циклдаги (2 йил) университетлар; касб-ҳунар коллежлари; махсус тайёргарлик мактаблари(технологик институтлар); дипломдан кейинги таълим мактаблари (магистратура).

Ноуниверситет сектори иккинчи даражали таълим муассасалари бўлиб, таълим функциясидан ҳам кўра кўпроқ ижтимоий вазибаларни бажаради. Улар ҳуқуқий нуқтаи назаридан тўлақонли олий таълим муассасаси ҳисоблансада, амалда кадр тайёрлаш ва дипломи нуфузи бўйича олий мактабга мос келмайди.

Хитойда олий таълим тизими ўз ичига университет, коллеж ва олий касбий мактабларни олади ҳамда ўзининг нуфузига кўра бир неча иерархик категорияларга бўлинади. Хитой университетларига кириш қатъий рақобат шароитида ўтади: баъзи университетларда битта ўринга 200-300 киши тўғри келади. Хитойда, худди фарб давлатларидаги каби уч босқичли тайёрлов босқичи мавжуд.

Жанубий Кореяда таълим тизими қуйидагилардан иборат: 6 йиллик бошланғич мактаб; 3 йиллик асосий ўрта мактаб; 3 йиллик юқори мактаб; 4 йиллик коллеж; 4 йиллик университетлар. Шунингдек, 2 ва 3 йиллик махсус ва касбий – техник коллежлар мавжуд.

ОўЮдан кейин магистратура ва докторантурада таҳсил олиш мумкин. Жанубий Корея олий таълим қуйидаги босқичларда олиб борилади: бакалав-рият, магистратура, докторантура.

Бакалавриятда ўқиш муддати 4 йил.

Магистратурада ўқиш муддати 2-3 йил.

Докторантурада ўқиш муддати 3-4 йил.

Бошланғич таълим жараёнида болаларга берилаётган билим 9-10 синфдагидан кескин фарқ қилади. Бу даврда билим бериш чегараланган бўлиб, бу жараённинг бош мақсади ўқувчиларда ўзининг шахсий етуклигига эришиш ҳиссини шакллантиришдан иборатдир.

Ўқувчининг вақтини ва кучини имкон чегарасида тежаш ўқитиш ва билиш жараёнини асосий мезонларидан ҳисобланади.

Республикамизда умумий ўрта таълим жараёни марказлашган тарзда бошқарув асосида ташкил этилган бўлиб, бу ҳозирги кунга қадар муқобил ўқув воситаларидан фойдаланишга маълум даражада чеклов қўймоқда. Бу ҳол эса, ўқувчининг индивидуал ривожланиши, эркин фикрлаши, лойиҳалаш қобилятининг шаклланишига тўсқинлик қилади.

Фикримизча, муқобил таълим воситаларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда шахс сифатида ривожлантиришнинг индивидуал йўналишларини вужудга келтириш имконияти юзага келади. Шунингдек, ўқувчини қўллаб-қувватлашнинг турли усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда, ўқувчининг фаолиятини яхшилаш, ундаги салбий ҳолатларни йўқотиш назарда тутилади.

Европа давлатларида ва АҚШ таълим тизимида билимлар компоненти минимал даражани эгаллайди. Ҳар бир фан соҳасини амалиёт билан боғлиқ жиҳатларини аниқлашга кўпроқ ҳаракат қилинади. Айниқса, аниқ фанларни амалиётга боғлашга эътибор қаратилади.

Республикамиз таълим тизимида эса, амалий кўникмаларни шакллантиришга, адабиёт ва тарих каби ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунида кузатиш мумкин. Аниқ фанлар, шу жумладан ахборот технорлогиялари каби фанларни ўқитишда амалиёт билан боғлиқлик яхши ўрнатилмаган.

Сўнгги йилларда Европа таълим тизимида кузатилаётган ҳолат лойиҳалаштириш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёнини ташкил этишдир. Лойиҳалаш жараёнини ташкил этиш ўқитишга предметли ёндвшув билан уйғунлашган ҳолда амалга амалга оширилади.

Лойиҳалашга асосланган ўқитиш тизими асосан, Европа таълим тизимидан олинган бўлиб, бир қатор ривожланган мамлакатларда мазкур тизимга муқобил бўлган тизимлар, дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва таълим жараёнига тадбиқ этилмоқда.

Умумий ўрта таълим жараёнининг мақсади ўқувчи шахсини ривожлантириш билан боғлиқ илғор тажрибаларни умумлаштиришдан иборат.

Таълим бериш, ўқитиш жараёнининг энг муҳим вазифаларидан бири - бу шахсни ривожлантиришдир. Бу вазифанинг муваффақиятли амалга ошиши эса таълим дастурларининг ишлаб чиқилишига боғлиқ. Дастурлар ўқитувчиик таъсирнинг барча кўринишларини ўзида бирлаштириши керак. Амалда эса, дастурлар ҳар бир ўқитиладиган фаннинг мазмунини ёритиш билан чекланиб қолмоқда.

Фикримизча, Республикамиз ўрта таълим тизимида сифатни таъминлашда, энг аввало ўқув дастурларини мақсадга мувофиқ ҳолда тузиш, муқобил ўқув воситаларини ишлаб чиқиш, бошқарув соҳасида таълим муассасаларига эркинлик бериш, ўқувчининг лойиҳалаш фаолиятини ривожланишига имконият яратиш, ўқитиш жараёнида ўқувчи шахсига индивидуал ёндошиш, ўқув жараёнини ўқувчининг ёшини ҳисобга олган ҳолда, иқтидорини ҳисобга олган ташкил этиш, ўқитувчи фаолиятини эркинлаштириш бўйича илғор тажрибаларни қўллаш орқали ўрта таълим сифатини таъминлаш керак, деб ҳисоблаймиз.

Тадбирлар ўрта таълим тизимининг сифатини оширишга йўналтирилган мақсадларнинг амалга оширилишига ёрдам берувчи ҳаракатларни ўзида намоён этади. Ўз хусусияти ва таъсир этиш кўламига кўра тадбирларнинг уч хили ажратилади. Биринчиси, фақатгина ўрта таълим тизимининг сифатини ошириш омилларига таъсир кўрсатувчи тадбирлар, иккинчиси шарт-шароитларга таъсир кўрсатувчи тадбирлар, учинчиси ўрта таълим тизимининг сифатини ошириш омилларига ҳам, шарт-шароитларга ҳам таъсир кўрсатувчи тадбирлар.

Ўқувчиларни тайёрлаш сифатининг оширилишига, амалда ўрта таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини белгилаб берувчи омиллар ва шарт-

шароитларга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи дастурий тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳисобидан эришилади (1-расм).



1-расм. Ўрта таълим тизимида ўқувчиларни тайёрлаш сифатини бошқариш механизми

Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ ҳамда Қонуннинг тегишли моддаларида белгиланган таълим мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, “Таълим тўғрисида”ги Миллий дастур қоидалари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида давлат ҳокимияти органлари томонидан таълимнинг фақат минимал талаб қилинадиган даражаси стандартлаштирилиши белгилаб қўйилган. Ушбу меъёрдан ортиқ таълим сифатини таъминлаш таълим муассасаларининг ваколатига киради.

Давлат таълим стандартлари: ўқувчилар ва битирувчилар тайёргарлигининг минимал зарур ва етарли даражасини; ўқув юқламасининг максимал миқдорини; таълим мазмуни ва уни тақдим этиш усулларида қўйиладиган талабларни; таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмларини; стандартлар талабларига риоя қилмаган шахслар ва муассасаларга нисбатан чоралар кўриш тартибини белгилайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, таълим соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, таълим хизматлари таълим ташкилотлари томонидан турли даражадаги ва йўналишдаги таълим дастурларини (Total Quality Management – TQM) амалга ошириш орқали амалга оширилади.

Умумий сифат менежменти (TQM) тамойиллари асосида ишлайдиган самарали ташкилот анъанавий марказлаштирилган моделга мутлақо зиддир. TQM ташкилотининг асосий мақсади сифатли хизмат кўрсатишдир. Умумий сифат менежменти тизими саккизта асосий тамойилга асосланади:

1. *Истеъмомолчига йўналтириш.* Бу TQMнинг асосий тамойилидир. Сифат даражасини фақат истеъмомолчи белгилайди. Ташкилот сифатни яхшилаш учун ходимларни ўқитиш, жараёнларга сифат менежментини киритиш, дастурий таъминот ва техник воситаларни такомиллаштириш ёки янги назорат ва ўлчовларни олишга

қаратилган ҳаракатларгина муҳим эмас, чунки фақат мижозгина пул ва ҳаракатлар муваффақиятга олиб келадими ёки йўқлигини аниқлайди.

2. *Ходимларнинг иштироки.* Ташкилотнинг барча ходимлари умумий мақсадга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилишларини таъминлайдиган TQM тамойили. Ушбу тамойил қўл остидаги шахс кўрсатилган ташаббус учун ишдан бўшатишдан қўрқмаса, амалга оширилиши мумкин. Таълимда яқиний сифатга эришиш учун нафақат раҳбар, балки муассасанинг барча ходимлари жалб этилиши керак.

3. *Жараёнли ёндошув.* TQM ташкилотнинг ҳар қандай фаолиятини жараён сифатида кўриб чиқади. Жараён - бу объектларни провайдерлардан (киришлар) баъзи натижаларга (чиқишларга) айлантирадиган ва бу натижаларни истеъмолчиларга узатадиган тадбирлар мажмуидир. Етказиб берувчилар ҳам, мижозлар ҳам ташкилот учун ташқи ва ички бўлиши мумкин. Ҳаракатлар мажмуи аниқ белгиланиши ва барча ҳаракатлар ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Белгиланган тартибдан оғишларни аниқлаш учун жараённи боришини доимий равишда кузатиб бориш керак.

4. *Тизимли ёндошув.* Тизимнинг бирлиги, бир вақтнинг ўзида барча бўлимларда сифат маданиятини шакллантириш. TQM қоида тариқасида, бўйсунушнинг вертикал иерархияси ва горизонтал ўзаро таъсири билан тавсифланмайди. Ҳар бир бўлим ўз жараёнларига эга бўлиши мумкин, аммо улар ташкилотнинг умумий жараённинг бир қисмидир. Шундай қилиб, алоҳида бўлимларнинг жараёнлари бутун ташкилотнинг каттароқ жараёнларига бирлаштирилган бўлиб, бу унга стратегик мақсадларга эришишга имкон беради.

5. *Стратегик ёндашув* TQMнинг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Сифатни доимий равишда яхшилаш ташкилотнинг стратегик режасининг бир қисми бўлиши керак. Сифатни ошириш мақсадларига эришиш учун тизимли ва ўзлуксиз ишларни амалга ошириш керак.

6. *Доимий такомиллаштириш.* Ушбу тамойил TQMнинг асосидир. Доимий такомиллаштириш ташкилотга рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш йўллари топиш учун ҳам таҳлилий, ҳам ижодий усулларни қўллаш имконини беради.

7. *Фактларга асосланиб қарор қабул қилиш.* Яхшилаш учун доимий равишда ташкилот фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш керак. Фақат ҳақиқий маълумотлар асосида тўғри бошқарув қарорлари қабул қилиниши мумкин.

8. *Алоқа.* Ўзгаришлар даврида самарали алоқалар бошқарувнинг барча даражаларида ходимларнинг маънавияти ва мотивациясини сақлашда катта рол ўйнайди. Доимий ўзгаришлар тўғрисидаги мулоқот одатдаги жараёнлар каби кундалик фаолиятга айланиши жуда муҳимдир. Муваффақиятли ташкилотлар оддий, бюрократик бўлмаган тузилмаларга эга ва улар фаол ва юқори мотивацияли ходимлар жамоасига асосланган.

TQM томонидан бошқариладиган самарали ташкилот қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

– оптималлаштирилган тузилма (ҳар бир бўлим аниқ белгиланган сифат стандартлари асосида бошқарилади);


- вертикал жойлашув (ходимлар ташкилотнинг вазифаларини батафсил тушунишлари шарт эмас, лекин улар унинг стратегияси, йўналиши ва миссияси ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак);

- горизонтал тартибга солиш (алоҳида бўлинмалар ўртасидаги рақобатда юзага келадиган муаммолар жараёнини тартибга солувчи, уларнинг умумий мақсад ва талаблардан хабардор бўлишига олиб келадиган механизм бўлиши керак);

- қарор қабул қилишда изчиллик, хусусан биринчи навбатда - истеъмолчиларнинг талабларини, ҳоҳиш-истакларини таҳлил қилиш ва шундан кейингина ҳаракатларни амалга ошириш.

Етакчилик ҳар бир ташкилотда асосий тамойил ҳисобланади. Раҳбар компаниянинг мақсадлари ва фаолияти ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиши ва бу маълумотларни ўз қўл остидагиларига етказиши керак ва буни энг самарали қилиш учун у айланиб ўтиш усули ёки шахсий учрашувлар усулидан фойдаланиши керак (management by walking around – MBWA).

Ходимлар билан шахсий алоқалар муҳимлигини таъкидлаган бошқарувнинг бу усули шундан иборатки, менежер ўз кабинетидан ўтирмайди, балки мунтазам равишда ташкилот атрофида айланиб юради, ходимлар билан суҳбатлашади, ҳамкорлар билан учрашади ва ҳоказо. Иерархик ҳокимиятнинг анъанавий тузилиши пирамидасида раҳбарият тепада, ўқитувчилар ва ўқувчилар эса пастда жойлашган, аммо таълимда TQM жорий этилиши билан вазият ўзгаради. Ўқитувчи ва ўқувчилар таълим жараёнининг асосий иштирокчиларига айланади (2-расм).



2-расм. TQM нинг иерархик тузилиши[12]

Шундай қилиб, TQM бошқарувга нисбатан яхлит ёндашув бўлиб, у ташкилот маданиятини умуман ўзгартира оладиган бошқарув усулларининг кенг доирасини ўз ичига олади. “Менежмент фалсафаси сифатга содиқликни, мижозлар эътиборини, доимий такомиллаштиришни, ташкилотнинг тўлиқ салоҳиятини рўёбга чиқариш учун ҳар кимнинг истеъдоди ва усулларидан фойдаланишни таъкидлайди” [13].

Ўзбекистонда мамлакатимиз ўрта таълим тизимини модернизация қилиш шароитида мониторинг тадқиқотларини ўтказиш механизмлари такомиллаштирилмоқда, узлуксиз таълим тизимида таълим жараёни натижаларини ўрганиш воситалари ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистонда таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштиришни 3 босқичга бўлиш мумкин:

1-босқич – ўқувчилар билими сифатини назорат қилиш;

2-босқич - комплекс мониторинг;

3-босқич - таълим тизимини мониторинг қилиш.

Бугунги кунда республикада таълимнинг қўйидаги тенденциялари намоён бўлмоқда:

Биринчи тенденция - бу ҳар бир таълим даражасининг узлуксиз таълим тизимининг органик таркибий қисми сифатида хабардорлиги. Ушбу тенденция нафақат умумтаълим мактаблари, балки академик лицейлар, коллежлар, университетлар ва олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасалари ўртасидаги узлуксизлик муаммосини ҳам ҳал қилишни ўз ичига олади. Бу эса ўз навбатида, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида турли ишлаб чиқариш ҳолатларини моделлаштириш вазифасини қўяди [14].

Иккинчи тенденция - таълимни саноатлаштириш, яъни. замонавий жамиятнинг интеллектуал фаоллигини самарали кучайтиришга имкон берадиган компютерлаштириш ва технологиялар.

Учинчи тенденция - муаммоли, илмий тадқиқот элементларини ўз ичига олган ҳолда, асосан ахборот шаклларида фаол ўқитиш усуллари ва шаклларига ўтиш ва ўқувчиларнинг мустақил иши учун захиралардан кенг фойдаланиш.

Тўртинчи тенденция ўқувчиларнинг ижодий, мустақил фаолиятини ривожлантириш, ташкил этиш билан боғлиқ.

Бешинчи ва олтинчи йўналишлар халқ таълими ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни шериклик (француз “ҳамкорлиги”) асосида ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, ўқитишни жамоавий, биргаликдаги фаолият сифатида ташкил этиш зарурлигини белгилайди [15].

Ўрта таълим тизимида сифат менежментини ташкил этишнинг жаҳон тажрибасида таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятини тадқиқ этиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ЮНЕСКО – БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, универсал хусусиятдаги ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланиб, унинг фаолияти соҳасига қўйидагилар киради: дунёнинг турли минтақаларида таълимни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар ўтказиши; таълим бўйича маъруза, ҳисоботлар ва ахборот-таҳлилий материалларни чоп этади, ҳамкорлик ва таълимни ривожлантириш масалалари бўйича халқаро конференция ўтказиши.

ЮНЕСКО чоп этадиган ҳужжатлар - ЮНЕСКОнинг статистик йилномаси (дунёнинг минтақалари ва давлатлари бўйича фаннинг ривожланиши ва саводхонлик даражаси тўғрисида маълумотлар); таълим бўйича бутунжаҳон маълумотномаси – бутун дунё бўйича миллий таълим тизимлари тўғрисида маълумот; таълим бўйича бутунжаҳон маърузаси – таълимни ривожлантириш ва молиялаштириш бўйича статистик маълумотлар ҳисобланади.

Хулоса

Таълим сифатини таъминлашда Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси – The European Association for Quality Assurance in Higher Education – ENQA нинг ўрни катта. Мазкур ташкилот ЕИ аъзо-давлатлари таълим муассасалари учун стандартларни, тартиб-таомиллар ва тавсияларни ишлаб чиқувчи, шунингдек, Болонья жараёнларини тартибга солувчи бош ташкилот ҳисобланади. ENQA илғор тажрибаларни ривожлантириш ва алмашиш ва таълим соҳасида ягона Европа стандартларини ишлаб чиқиш мақсадида олий таълим сифатини таъминлаш соҳасида ҳамкорликка кўмаклашади.

Олий таълим сифати бўйича Европа реестри – The European Quality Assurance Register for Higher Education – EQAR қуйидагилар учун шароит яратади:

-олий таълим муассасаларига ишонч рейтингини эълон қилиш ва шу орқали “аккредитация фабрикалари” мавжуд бўлиши имкониятларини қисқартириш йўли билан ўқувчилар савий-ҳаракатларини бирлаштиради;

-таълимда сифатни таъминлаш бўйича агентликлар фаолиятини сифатини яхшилаш воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда улар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлайди;

-олий таълим муассасаларига таълим сифатини таъминлаш бўйича турли агентликларни танлаш имкониятини беради.

Араб давлатлари Лигасининг Таълим, маданият ва фан масалалари бўйича ташкилоти – Arab League Educational Cultural and Scientific Organization – ALECSO нинг таълим соҳасидаги фаолияти:

-минтақавий ҳамкорликни ривожлантиради;

-ALECSO мамлакатларда таълимни молиялаштириш манбалари ва механизмларини ривожлантиради;

-аёллар таълимини юксалтиради;

-имконияти чекланган шахсларни таълим жараёнига жалб қилади;

-минтақа мамлакатлари ўртасида университет таълими таълим цикллари бир хиллаштиради;

-масофали таълимни ривожлантиради;

-таълим сифатини баҳолашнинг миллий институтлари, стандартлари, мезонларини ишлаб чиқади ва ривожлантиради.

Халқаро даражада сифатни бошқаришда Университетларнинг халқаро ассоциацияси – International Association of Universities – IAU ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, 120 дан ортиқ мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини бирлаштиради. IAU ўз фаолиятида турли фаолият соҳалари бўйича кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари бўйича чораклик журнал нашр этади. IAU томонидан чоп этиладиган Университетлар халқаро йиллик маълумотномаси бутун дунё мамлакатларида таълим ташкилотлари тўғрисида маълумотларни қамраб олади. Ассоциация Европа ўқув муассасаларида Болонья жараёни асосий принципларини жорий этишга кўмаклашади.

Академик ҳамкорлик Ассоциацияси Academic Cooperation Association – ACA ҳам халқаро даражада сифатни бошқариш ташкилотларидан ҳисобланиб, олий таълим интернационализациясига кўмаклашади; ойлик электрон ахборотнома чоп этиш, семинар ва конференциялар ўтказиш орқали Европа ва халқаро ташкилотлар иштирокида бўлиб ўтган энг долзарб ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади; олий

таълим интернационализациялаш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича тадқиқотлар ўтказиладиган ва улар натижаси бўйича нашрлар чоп этади; олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиладиган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тургунов С.Т., Мақсудова Л.А. Управление педагогическими процессами и технологиями. Тошкент: Sano-standart. 2012. 13 с.
2. Рашидов Х.Ф., Худайбергенов А.П. Стандартизация профессионального образования в Республике Узбекистан: ведущие идеи и пути реализации. Ташкент: ПО, 2013. С. 20.
3. Т. М. Резер, Т. Ю. Ольшевская; Государственное управление качеством образования: учебное пособие / Министерство науки и высшего образования Российской Федерации, Уральский федеральный университет. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 6 с.
4. Тихомиров А. А., Спенглер У. Д. Стили лидерства и успешность слияний: трансформационно-трансакционная концепция лидерства // Российский журнал менеджмента. 2005. Т. 3, № 2. С. 80.
5. Ўмумий ўрта таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича услубий қўлланма. Бирлашган Миллатлар ташкилоти Болалар жамғармаси (UNICEF) томонидан нашр этилган Тошкент, Ўзбекистон. 189 б. <https://tdi.uz/upload/iblock/751/7511bd38c0c5b598ecc4f2e7e526856f.pdf>
6. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент: 2015. – 5 бет.
7. Кукушин В.С. Теория и методика обучения / В.С. Кукушин. — Ростов н/Д.: Феникс, 2005. — 9 с.
8. Краевский В. В. Общие основы педагогики: Учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2003. — 36 с
9. Стародубцев М.П. Теория обучения и воспитания: Учебно-методическое пособие. – СПб.: Фонд «Университет», 2018. – 7 с.
10. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари учун қўлланма. Тошкент “Voriz-Nashriyot” 2006. 15 б.
11. Непрерывное образование: методология, технологии, управление: коллективная монография/ под. ред. Н.А.Лобанова, Л.Г. Титовой, В.В. Юдина. – Ярославль; РИО ЯГПУ, 2018. 26 с.
12. Т. М. Резер, Т. Ю. Ольшевская; Государственное управление качеством образования: учебное пособие / Министерство науки и высшего образования Российской Федерации, Уральский федеральный университет. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 76 с.
13. Система менеджмента качества в образовании. TQM в образовании // Информационно-справочный портал поддержки систем управления качеством. URL: <http://www.quality.edu.ru/quality/sk/menediment/tqm/636/>
14. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Управление качеством образования. Ташкент: Узбекистан. 2004. 89 с.
15. Бондаревский В.Б. Воспитание интереса к знаниям и потребности к самообразованию. Москва: Просвещение. 2002. 76 с.